



20\_20\_y. «\_5\_» август

№ К-361

«\_ \_» 20\_ г.

**Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви  
“Исмоилтепа” маҳалласи ҳудудидан  
“SURXON JAR FAYZ XAMKOR” МЧЖга  
“Иссиқхона” қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 марта 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/395-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 24 июндаги 01-05/100-сон хатини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/395-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви “Исмоилтепа” маҳалласи ҳудудидан “SURXON JAR FAYZ XAMKOR” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 645қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 43,0 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига енгил конструкцияли лимончилик йўналишида “Иссиқхона” қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SURXON JAR FAYZ XAMKOR” МЧЖ бошлиғи А.Мирзаевга:

ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Фаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишини таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зинмасига юклансин.

Вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари



Р.Пардаев